

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРГА ТАРИХИ

Юсупова Наргиза Рустамовна
ЎзДЖТСУ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимиз тарихида яшаш ижод этган бир қанча мутафаккир олимларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фикрлари, жисмоний тарбиянинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни, шунингдек, собиқ иттифоқ давридаги спортга берилган эътиборсизлик ҳолатлари фалсафий мушоҳада этилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия, спорт, жисмоний таркамолик, олимпиа ўйинлари, миллий спорт турлари, ахлоқий тарбия.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены мнения ряда мыслителей, живших в истории нашей страны в области физического воспитания и спорта, роли физического воспитания в воспитании зрелого поколения, а также случаи запущенности занятий спортом во времена бывшего Советского Союза, рассматриваются с философской точки зрения.

Ключевые слова: Физическое воспитание, спорт, физическое развитие, Олимпийские игры, национальные виды спорта, нравственное воспитание.

ABSTRACT

This article discusses the opinions of a number of thinkers who lived in the history of our country in the field of physical education and sports, the role of physical education in the education of the mature generation, as well as cases of neglect of sports in the days of the former Soviet Union, are considered from a philosophical point of view.

Key words: Physical education, sports, physical development, Olympic Games, national sports, moral education.

VIII-X асрларда яшаб ижод этган файласуфларимиз ҳам жисмоний тарбия ҳақида ёзиб қолдиришган. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри”, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” [1] асарларида ўрта асрларга хос жисмоний машқлар ҳақида маълумотлар берилган. Ибн Сино “Тиб

қонунлари” асарининг биринчи китобида жисмоний машғулотни кишининг ёшига, соғ-саломатлигига ва қасаллигига қараб, турлича шакл ва усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Ибн Сино жисмоний тарбия тўғрисида фикр юритар экан, уни ташкил этишда кишиларнинг турли ёши ва жинсини ҳам ҳисобга олиш кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Ибн Сино ҳар қайси ёш даврнинг ўз индивидуал хусусияти бўлишларини гапириб, бу даврни доимо ўзгаришда, ривожланишда деб билади. Бу ўринда у бола ҳамиша тўхтовсиз ва секин-аста ўсиб боради, деган фикрни таъкидлайди, шунинг учун, дейди у, - боланинг ўсишдан тўхташи ва ўз камолотида орқага қараб кетиши мумкин эмас. Бу фикри билан Ибн Сино болаларни доимо ўстириб бориш ғоясини қаттиқ ҳимоя қилади. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик чоғларида киши жисмоний машғулотга турлича муносабатда бўлиши кераклиги масаласини кўтариб чиши Ибн Синонинг одам анатомияси ва физиологиясини мукаммал билганлигидан, киши организмининг доимо тараққий этиб боришини илмий асосда тушунгандигидан далолат беради.

IX-X асрлар Сомонийлар давлати даврида аскарларнинг урушга жисмоний тайёрлаш назарияси ишлаб чиқилган. Сарой аҳли учун ёзилган “Ойнома”да берилган маълумотларга кўра, сомонийлар даврида зодагонларнинг болалари 6 ёшгача ота-оналарининг уйида яшар, 7 ёшга этгандан кейин давлат тарбиясига ўтказилиб, ҳукмдор ихтиёрида бўлган маҳсус мактабга жойлаштирилади ва 19 ёшга этгунга қадар ана шу мактабда илмий ва жисмоний жиҳатдан таҳсил кўрганлар. Ўз билими ва баҳодирлиги бўлган кишилар мактабда мураббийлик вазифасини ўтаганлар. Сомонийлар мактабида болаларни жисмоний тарбиялашга алоҳида аҳамият берилар эди. Улар совукқа, очликка, чанқоқликка, оғриққа чидамли бўлиш, тез югуриш, узокга сакраш, отга чаққон миниш, камон ва ўқ-ёй отиш, қиличбозлик, мўлжаллаш, сезгир бўлиш, курашиш, жанг усувларини яхши билиши талаб қилинади.

IX-X асрда яшаб ўтган буюк шоир ва кураги эрга тегмаган полвон хоразмлик Паҳлавон Махмуддир. Ўз даврида Ҳиндистон, Эрон, Турон заминида курашнинг кенг кўламда тарқалишига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрларда яратилган Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”[2] асарида барқамолликдаги жисмоний этукликнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Асарда вояга этаётган ҳукмдорга маънавий этуклик билан бир қаторда жисмоний этуклик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда жисмоний машқларнинг номларини, ўтказиш жойларини, ўтказиш воситалари баён этилган. Жисмоний машқлар инсоннинг ёшига қараб белгиланиши билан бир қаторда от билан бажариладиган машқлардан камон, қилич билан бажариладиган машқлар кўрсатилган XIV-XV асрларда Амир Темур ва

темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг барча соҳаларида бўлгани каби жисмоний тарбия ва ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврда кураш, қиличбозлик, шатранж (шахмат) каби турлар бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиб турилган. Шарофиддин Али Яздининг “Зафарнома”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларида ўша даврдаги мусобақалар ва уларнинг қатнашчилари қаламга олинган. Эътиборлиси, мусобақа ғолиблари курашчилар – паҳлавон, қиличбозлар – баҳодир, шатранжчилар – олия каби унвонлар ва катта мукофотлар билан шарафланганлар.[3]

Ўрта асрнинг охирларида баҳодирларнинг қурол ишлатиш санъати бўйича мусобақалари кенг тарқалган. Бу ўйинларга воказифлар раҳбарлик қиласар эди. Улар баҳодирлар орасида ўйинлар бошланишидан бир ой илгари спорт салафлари томонидан сайланар эди. Воказифларнинг вазифалари мусобақа жойини танлашдан, мусобақаларда ғолиб чиққанларга мукофотлар беришдан иборат бўлган. Асосий мукофот сифатида тулпор отлар, қимматбаҳо сарполар, пул мукофотлари берилар эди. Кўпинча навбатдаги ўйинларгача бўлган давр ана шу ғолибнинг номи билан аталар эди.

XVIII-XIX асрларда миллийлик хусусияти ёрқин ифодаланган жисмоний тарбия тизимлари юзага кела бошлади. Улардан немис жисмоний тарбия тизими – Гуни-Мутс (1759-1838), Витс (1763-1836) ва Ян (1778-1852); швед жисмоний тарбия тизими – Линг (1776-1839); чех жисмоний тарбия тизими – Тирш (1832-1884); дания жисмоний тарбия тизими – Нахтегалл (1777-1847); франсуз жисмоний тарбия тизими – Ф.Аморос (1770-1847) ва бошқалар томонидан яратилган жисмоний тарбия тизимлариидир. [4]

Туркистон подшо Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг эвропа халқлари ўртасида оммалашган спорт турлари ўлкага кириб кела бошлади. 1882 ва 1894-йилларда Тошкент ва Самарқандда чавандозлар жамиятлари ташкил топди. 1895-йил Тошкентда ҳаваскор велосипедчилар жамияти тузилди. 1900-йил велосипед спорти ҳаваскорлари ва профессионал велосипедчилар мусобақаларини ўтказиш учун Тошкентда қурилган майдонда велопойгалар ташкил қилинди. 1903-йил Тошкентда биринчи теннис корти ишга тушди. 1904-йил эса гимнастика ва жисмоний машқлар ҳаваскорлари жамияти тузилиб, 1905-йилдан болалар ўртасида югуриш, сакраш, копток ирқитиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу Тошкентда спортнинг енгил атлетика тури ривожланишига замин яратди. 1908-йил Тошкент сиркида таниқли курашчи ва маҳаллий полвонлар иштироқида французча кураш (оз. юнон-рум кураши) бўйича чемпионат ўтказилди (бу мусобақа ўзбек курашига бирмунча

ўхшаш спортнинг шу тури ривожланишида алоҳида рол ўйнади). 1910-йил Тошкентдаги ҳарбийлар марказий биносида гимнастика, қиличбозлик мактаби очилиб, унда (асосан, рус зобитлари ўртасида) шу спорт турлари бўйича машқлар, мусобақалар ўтказилиб турилди. Ишчиларнинг дастлабки спорт тўгараклари 1910-йил Тошкентда ҳарбий округ штаби босмахонаси матбаачилари томонидан ташкил этилди. Уларда гимнастика, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича машғулотлар олиб борилган. 1912-йил Кўқонда, кейинчалик Фаргона, Тошкент ва Андижонда футбол жамоалари тузилди. Туркистонда энг йирик ҳисобланган спорт ҳаваскорлари жамияти (1913-йил ташкил топган)нинг футбол, енгил атлетика ва лаун-теннис бўлимлари бор эди. 1915-йил Тошкентда гимнастика ўқитувчилари курси очилди. Сув спорти билан шуғулланувчилар учун дастлабки сунъий ҳавзалар барпо қилинди. Умуман олганда, XX аср бошларида спорт жамиятлари ва тўгараклари Туркистонга кўчиб келган рус ва европалик фуқароларга хизмат қилган. Кенг халқ оммаси учун мўлжалланган спорт иншоотлари амалда йўқ эди. [5]

Спорт мусобақаларида асосан рус ва европалик фуқаролар иштирок этганлар. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам бу анъана давом этиб, халқ анъаналарига, миллий ўйинларига бўлган эътибор жуда сусайиб кетди.

Шунинг учун ҳам кўп мусобақалар, кўрик танловлар оммавий тус олмас, томошибинлар кам йиғилар эди. Кенг халқ оммаси учун мўлжалланган спорт иншоотлари амалда йўқ эди. Жисмоний тарбия ва спорт машқлари ҳамда мусобақалари ҳарбий ўқув юртлари, гимназия, спорт клублари базасидаги спорт заллари ва майдончаларида ўтказиларди.

Одамзод жисмоний камолотида болаликдаги ўйинлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбеклар юрти хилма-хил халқ ўйинларига бой ўлка ҳисобланади. Арғимчоқ, бекинмачоқ, оқ теракми–кўқ терак, тортишмачоқ, чиллак, подачи, бўри келди, хўroz ва товуқ, оқсоқ бўри ва қўйлар, оломон пойга, бўрон, қирқ тош, чўнқа шувоқ, отиб қочар, соққа, бир таёқ, елкада кураш, минди ва бошқа ўйинлар шулар жумласидандир. Бу ўйинлар одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга спорт турлари пайдо бўлишига замин яратган, масалан, подачи ўйинидан чавгон, кейин хоккей; қабақ ўйинидан мерганлик, кейин камондан отиш каби спорт турлари пайдо бўлган. Лекин XX асрнинг 2-ярмида замонавий спорт турларини ривожлантириш баҳонасида ўзбек халқ ўйинларига нописандлик билан қаралди, катта тўйларда ўтказиб келинган кураш, улоқ-кўпкари мусобақалари таъқиқланди.¹⁶

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. -Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1998й. Абу Али ибн Сино. “Тиб қонунлари”. -Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1993й.
2. Юсуф Ҳос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. Т.: “Фан”. 1972й. 376.
3. Шарофиддин Али Яздий. “Зафарнома”. Т.: Шарқ. 1997.
4. Керимов Ф.А. “Спорт кураши назарияси ва услубияти”. Т. ЎзДЖТИ, 2009. 12 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 12 том. - 2006 й. 364 б.
6. Маманов, Ж. А., & Розиков, Ж. М. (2021). Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 170-178.
7. Маманов, Ж. А. (2018). Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎзМУ хабарномаси, 169.
8. Маманов, Ж. А. (2018). МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТАКОМИЛИДА СПОРТ ВА АХЛОКИЙ МАДАНИЯТНИ УЙФУНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ. Fan-Sportga, (3), 74-78.
9. Маманов, Ж. А., & Хушвақтов, З. Р. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (МЕХАНИЗМИ) ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 9-13.
10. Маманов, Ж. А. (2020). Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 3203.
11. Маманов, Ж., & Турғунов, Т. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ АСОСИДА ЁШЛАР МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 520-528.
12. Жумаев У.Х. (2022). ТУРКИСТОНДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 4–8.
13. Жумаев, М. Х. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 14-18.
14. Турдимуратов, Я. А. (2022). КОЧЕВОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX–НАЧАЛО XX ВВ. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 546-557